# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

*№6/2022(165) 1995 йилдан чиқа бошлаган*

# БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан



**БОШ МУҲАРРИР:**

**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Бахтиёр ИСЛАМОВ**

**Робахон МАХМУДОВА**

**Халилилло ТУРАХУЖАЕВ**

**Икрам МУСЛИМОВ**

**Холмўмин ЁДГОРОВ**

**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**

**Замира ЭСОНОВА**

**Азиз АБИДОВ**

**Бобомурод РАЙИМОВ**



Журнал 2007 йил 19 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0249-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2004 йил 17 декабрдаги 110/4-сонли қарорига асосан ҳуқуқий, илмий-амалий журнал ваколати берилган.

Босишга 11.11.2022 йилда топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Сўғалли ота кўчаси, 5-уй. Адади: 3620 нусха. Буюртма № 135.


## МУНДАРИЖА


**6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

**9.** *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*

**18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

**21.** *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*

**27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

**29.** *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*

**36. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

**38.** *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*

**46. Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори**



# Бизнинг маълумот

**Шу йилнинг 9 ойи давомида маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 11 525 та иш кўриб чиқилди. Бунинг натижасида 5 589 нафар фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланди.**

Ҳисобот даврида маъмурий ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, улар мансабдор шахсларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги 7 004 та иш кўриб чиқилди. Хусусан, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ кўриб тамомланган ишлар сони 3 665 тани ташкил қилиб, шундан жисмоний ва юридик шахсларнинг 1 339 та аризаси қаноатлантирилган.

Вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар томонидан апелляция тартибида 2 835 та иш кўриб чиқилди. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 429 та қарор бекор қилиниб, 52 та қарор ўзгартирилди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 2 213 та шикоят ва протестлар ўрганиб чиқилиб, шундан 1 096 таси иш материаллари асосида кўриб чиқилди. Натижада қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорларнинг 166 таси бекор қилиниб, 4 таси ўзгартирилди.

Шунингдек, кассация инстанциясида 36 та иш такроран кўриб чиқилиб, 28 та суд қарори бекор қилинди.

**Шу йилнинг 9 ойи давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 56 267 нафар шахсга нисбатан 43 787 та жиноят иши кўриб чиқилди.**

677 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинди. Судланган шахслар сони 42 726 нафарни ташкил этиб, шундан 13 371 нафар шахсга озодликдан махрум қилиш ва 28 297 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 1

058 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланган шахсларнинг 37 924 нафари эркак, 4 802 нафари аёл, 16 867 нафари ёшлар (шу жумладан, 1 364 нафари вояга етмаган) ва 1 410 нафари 60 ёшдан ошган шахслар.

6 246 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залида қамоқдан озод қилинди. 18 914 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 7 249 нафарининг тайинланган жазоси енгилроғи билан алмаштирилди. 10 384 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

413 нафар шахсга (ёшлар, аёллар ва бошқалар) кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган жиноят ишларининг аксариятини фирибгарлик, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ўғрилик, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, безорилик, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ва қасддан баданга оғир шикаст етказиш каби жиноятлар ташкил этади.

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 11 090 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Етказилган 1 триллион 55 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 6 502 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида 10 861 нафар шахсга нисбатан 7 918 та жиноят иши кўриб чиқилди. 757 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 2 680 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 4 810 нафар шахсга нисбатан 4 354 та жиноят иши кўриб чиқилди. 876 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 409 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди. Шунингдек, кассация инстанциясида 192 нафар шахсга нисбатан 170 та жиноят иши такроран кўриб чиқилди. 115 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 56 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

***Шу йилнинг 9 ойи давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 469 044 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 388 524 та иш кўриб чиқилди.***

292 172 нафар шахсга нисбатан жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни

ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш, муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамоққа олиш ҳамда чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатимиз ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш каби маъмурий жазолар қўлланилди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг аксариятини майда безорилик, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, ҳақорат қилиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, енгил тан жароҳати етказиш, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳамда солиқ солиш объектларининг ҳисобини ва ҳисоботини юритишнинг белгиланган тартибини, шунингдек, тўлов интизомини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар ташкил этади.

Шу билан бирга, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳамда транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича 25 073 нафар шахсга нисбатан 24 860 та иш кўриб тамомланган. Шундан 24 331 нафар шахсга нисбатан жарима, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва маъмурий қамоққа олиш каби маъмурий жазолар қўлланилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида 10 676 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 8 767 та иш кўриб чиқилди. 2 643 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 3 158 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 978 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 929 та иш кўриб чиқилди. 245 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 124 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

***Шу йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда 173 640 та иқтисодий иш кўриб чиқилиб, ҳал этилди. Шундан даъвогарлар фойдасига 12,8 триллион сўм ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган.***

Ўтган даврда энг кўп иқтисодий ишлар Тошкент шаҳар, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Наманган вилоятлари иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилган.

Иқтисодий судлар томонидан ҳал этилган ишларнинг 3 259 таси видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқилган бўлиб, натижада тарафларнинг 2,3 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежаб қолинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид 38 776 та иқтисодий иш кўриб чиқилди ҳамда улар фойдасига 3,2 триллион сўм миқдорида маблағ ундириб берилди.

Ҳисобот даврида иқтисодий судларда кўрилган ишларнинг асосий қисмини банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, корхоналарнинг банкротлигига оид ишлар ҳамда маҳсулот етказиб бериш, кредит, контрактация, коммунал хизмат кўрсатиш шартномаларидан келиб чиқадиган низолар ташкил этди.

Апелляция тартибида 4 842 та иқтисодий иш кўриб чиқилди. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 804 та қарор бекор қилиниб, 442 та суд қарори ўзгартирилди.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 1 052 та иқтисодий иш кўриб чиқилди. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 322 та қарор бекор қилиниб, 48 та суд қарори ўзгартирилди. Шунингдек, кассация инстанциясида 39 та иқтисодий иш такроран кўриб чиқилди. 33 та қарор бекор қилиниб, 3 та қарор ўзгартирилди.

***Шу йилнинг 9 ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 890 миллиард сўмдан зиёд мажбурий тўловлар (вояга етмаган болалар учун алимент, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган талаблар, коммунал хизматлар бўйича қарздорлик тўловлари ва бошқалар)ни ундириш ҳақида 200 611 та суд буйруғи чиқарилди.***

Шунингдек, 435 719 та фуқаролик иши кўриб чиқилиб, уларнинг 335 239 таси бўйича талаблар қаноатлантирилган бўлса, 33 851 таси бўйича талабларни қаноатлантириш рад қилинган, 60 932 таси бўйича даъволар кўрмасдан қолдирилган бўлса, 5 697 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Кўриб тамомланган фуқаролик ишларнинг 239 547 таси битим, 45 853 таси никоқдан ажратиш, 15 570 таси уй-жой муносабатлари, 5 756 таси ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ёки қурилмани бузиш, 2 675 таси оталикни белгилаш билан боғлиқ ва бошқа тоифадаги ишлар ташкил қилади.

Никоҳдан ажратишга оид кўрилган ишлар таҳлилига кўра, кўриб тамомланган ишларнинг 24 416 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган (никоҳ бекор қилинган), 15 933 таси бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган (никоҳ бекор қилинмаган), 3 649 таси кўрмасдан қолдирилган ҳамда 1 855 та даъво бўйича иш юритиш тугатилган.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида 10 626 та фуқаролик иши кўриб чиқилди. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 1 618 та суд ҳужжати бекор қилиниб, 799 таси ўзгартирилди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 2 550 та фуқаролик иши кўриб чиқилди. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 327 та қарор бекор қилиниб, 120 та суд қарори ўзгартирилди. Шунингдек, кассация инстанциясида 45 та фуқаролик иши такроран кўриб чиқилди. 34 та қарор бекор қилиниб, 4 та қарор ўзгартирилди.

***Олий суд Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ

**ҚАРОРИ**

2022 йил 27 октябрь № РС-62-22 Тошкент шаҳри

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармонида ишларни кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш вазифаси юклатилган бўлиб, бу суд органлари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг тўққиз ойида жами 12 097 та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган.

Шикоят (ариза)ларнинг 10 591 таси ёки 87,6 фоизи ўрганиб чиқилган, шундан 5 446 таси (45 фоиз) судлов ҳайъатига ўтказилган, 4 203 таси (34,7 фоиз) судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 942 таси (7,8 фоиз) қайтарилган, 1 506 таси (12,5 фоиз) ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясида кўрилган 5 060 нафар шахсга нисбатан 4 600 та жиноят ишининг 235 нафар шахсга нисбатан 235 таси ҳарбий ва махфий ишлар, 15 нафар шахсга нисбатан 11 таси Олий суд апелляция инстанциясида кўрилган ишлар бўлса, 4 810 нафар шахсга нисбатан 4 354 таси вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанцияси томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанцияси томонидан кўрилган жиноят ишларининг шахсга нисбатан 3 495 таси (72,6 фоиз) ўзгаришсиз қолдирилган, 55 таси (1,1 фоиз) бекор қилинган, 821 таси (17,1 фоиз) бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция

инстанция судида кўриш учун юборилган, 409 таси (8,5 фоиз), шу жумладан, 17 таси қонунга мувофиқлаштирилган, 13 таси эса, моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар билан боғлиқ жами 1 558 та шикоят (ариза, мурожаат ҳамда протестлар) келиб тушган. Шикоятларнинг 1 251 таси ўрганиб чиқилиб, 933 таси судлов ҳайъатига ўтказилган, 318 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган ёки қайтарилган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан кассация инстанцияси судида жами 978 нафар шахсга нисбатан 933 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш кўриб тамомланган. Шундан суд қарорларининг 245 нафар шахсга нисбатан 244 таси бекор қилинган, 124 нафар шахсга нисбатан 115 таси ўзгартирилган, 609 нафар шахсга нисбатан 570 таси ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзгартирилган ёки бекор қилинган суд қарорлари таҳлили судлар ишларни биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ёки процессуал қонун талабларини, хусусан, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари, Жиноят-процессуал кодексининг 22, 463, 509[8]-моддалари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 307-моддасини қўллашда хатога йўл қўйганини, шунингдек, Олий суд Пленумининг "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2014 йил 23 майдаги 7-сонли қарори талабларини инобатга олмаганини кўрсатмоқда.

Судьялар одил судловни амалга оширишда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантирган ҳолда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши, қонун устуворлиги, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятларнинг олдини олиш, айб учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаши зарур.

Суд амалиёти обзорида судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар таҳлил қилинган. Таҳлиллар судьялар томонидан чуқур ўрганилган ҳолда келгусида суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш юзасидан барча зарурий чораларни кўришга қаратилган.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Кучадолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" - "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация

технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

ушбу суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини ҳамда суд амалиёти обзорини ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар кўрилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди раиси** **Б. ИСЛАМОВ**

*Олий суд Раёсатининг 2022 йил 27 октябрдаги*
*РС-62-22-сонли қарорига ИЛОВА*



# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти ОБЗОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган айрим ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг тўққиз ойида жами 12 097 та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган.

Шикоят (ариза)ларнинг 10 591 таси (87,6 фоиз) ўрганиб чиқилиб, 5 446 таси (45 фоиз) судлов ҳайъатига ўтказилган, 4 203 тасини (34,7 фоиз) судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 942 таси (7,8 фоиз) қайтарилган, 1 506 таси (12,5 фоиз) ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясида кўрилган 5 060 нафар шахсга нисбатан 4 600 та жиноят ишининг 235 нафар шахсга нисбатан 235 таси ҳарбий ва махфий ишлар, 15 нафар шахсга нисбатан 11 таси Олий суд апелляция инстанциясида кўрилган ишлар бўлса, 4 810 нафар шахсга нисбатан 4 354 таси вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанцияси томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанцияси томонидан кўрилган жиноят ишлари юзасидан қабул қилинган суд қарорларининг шахсга нисбатан 3 495 таси (72,6 фоиз) ўзгаришсиз қолдирилган, 55 таси (1,1 фоиз) бекор қилинган, 821 таси (17,1 фоиз) бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 409 таси (8,5 фоиз), шу жумладан, 17 таси қонунга мувофиқлаштирилган, 13 таси моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган.

Шунингдек, маъмурий

ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар билан боғлиқ жами 1 558 та шикоят (ариза, мурожаат ҳамда протестлар) (кассация ва такроран кассация тартибида) келиб тушган. Шикоятларнинг 1 251 таси ўрганиб чиқилиб, 933 таси судлов ҳайъатига ўтказилган бўлса, 318 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган ёки қайтарилган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан кассация инстанцияси судида жами 978 нафар шахсга нисбатан 933 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланиб, суд қарорларининг 245 нафар шахсга нисбатан 244 таси бекор қилинган, 124 нафар шахсга нисбатан 115 таси ўзгартирилган, 609 нафар шахсга нисбатан 570 таси ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзгартирилган ёки бекор қилинган суд қарорлари таҳлили судлар ишларни биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ёки процессуал қонун талабларини, хусусан, ЖКнинг 8, 54-моддаларини, ЖПКнинг 22, 463, 509[8]-моддаларини, МЖтКнинг 307-моддасини қўллашда хато ва камчиликларга йўл қўйгани, шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"-ги 7-сонли қарори талабларини инобатга олмаганини кўрсатмоқда.

## СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

***1. Оқлов ҳукми чиқаришда иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши шарт.***

Жиноят ишлари бўйича Мўйноқ тумани судининг 2022 йил 18 апрелдаги ҳукмига кўра, Г.К. ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми билан айбсиз деб топилиб, ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан оқланган.

Мазкур иш бўйича Д.А. билан Р.С. ҳам судланган бўлиб, уларга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 22 июндаги ажрими билан Г.К.га нисбатан чиқарилган оқлов ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 22 июлдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг Г.К.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят ишининг шу қисми янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

Суд ажримининг бекор қилинишига судлар оқлов ҳукми чиқаришда иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқмагани сабаб бўлган.

Ишда аниқланган ҳолатларга қараганда, 2021 йил 14 февраль куни соат 19:30ларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал марказида Н.Ю.нинг муддатидан олдин, ҳомиласининг йигирма уч ҳафталигида туғилган чақалоғи ўз вақтида тўғри даволаш чоралари кўрилмагани, агонал ҳолатда бўлган чақалоқ ўлди деб патолого-анатомик текширишга бериб юборилгани, бунинг оқибатида неонатал дав-

рида бўлган гўдак паст температураларда сақлангани (бунинг учун Д.А. билан Р.С.га айблов хукми чиқарилган) ва чақалоқ кўкрак тери қатлами кесилганида юз берган оғриқ натижасида вафот этган.

Амалдаги қоидаларга мувофиқ, даволаш профилактика муассасаларида ўлим содир бўлгандан сўнг унинг белгилари нафас олиш, юрак ва томир уриши, кардиомониторда тўғри чизиқлар кузатилиши, тана ҳарорати тушиши, кўз қорачиқларининг кенгайиши ва ёруғликка реакциясининг йўқлиги икки соат мобайнида кузатилиб, чин ўлим белгиси, яъни мурда доғлари пайдо бўлгандан кейин патолого-анатомик тадқиқот ўтказилиши мумкин. Аммо Г.К. мазкур талабларга риоя қилмасдан, чақалоқда аутопсиялик текшириш ўтказиш учун кўкрак бўлими тери қатламини 6,0 х 0,5 см кесган.

Комиссиявий суд-тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 26 октябрдаги 108-сонли хулосасида бошқа сабаблар қатори, патолого-анатомик тадқиқот, яъни анатомик кесма-жароҳат тирик чақалоқда ўтказилгани аниқланиб, лозим даражада даволаш муолажалари ўтказилганида чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони мавжуд бўлгани ҳақида хулоса берган бир вазиятда, судлар, хусусан, апелляция инстанцияси суди Г.К.нинг айбсизлиги ҳақидаги важларини юқорида қайд этилган экспертиза хулосасига зидлиги нуқтаи назаридан тўлиқ, ҳар томонлама ва синчковлик билан текшириб, мавжуд қарама-қаршиликни бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Қайд этилганларнинг барчаси суд муҳокамасининг тўлиқ эмаслиги ва бирёқлама олиб борилгани, суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмагани ва иш юритишда юқорида қайд этилган қонун талабларига риоя этмаганини англатади.

***2. Кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир. ЖПКнинг 454-457-моддалари талабига мувофиқ, судлар ҳукм чиқаришда шахс ЖКнинг айнан қайси моддалари билан айбдор деб топилганини кўрсатиб, сўнг жазо тайинлаши лозим.***

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон тумани судининг 2021 йил 12 февралдаги ҳукми билан Ж.М. ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б", "в" бандлари, 207-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга ушбу моддалар бўйича 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаган.

Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси туман суди Ж.М.га нисбатан жазо тайинлашда уни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилмагани сабабли 2021 йил 8 июндаги ҳукми билан ҳукмнинг Ж.М.га оид қисмини бекор қилган бир вазиятда, ЖПКнинг 454-457-моддалари талабига риоя қилмай, Ж.М.ни ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б", "в" бандлари, 207-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топмасдан, унга ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаган.

Процессуал қонун талаблари бузилгани боис Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 6 октябрдаги ажримига кўра, апелляция инстанциясининг 2021 йил 8 июндаги ҳукмининг Ж.М.га оид қисмини бекор қилиниб, қонун талабларини (ЖПКнинг 454-457-моддалари) бажариш учун жиноят ишининг шу қисми янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

ЖПКнинг 509[8]-моддасига асосан, кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурий ҳисобланади. Аммо апелляция инстанцияси суди жиноят ишини янгидан кўришда кассация инстанцияси судининг кўрсатмаларига риоя қилмасдан, айнан юқорида қайд қилинган каби хатога йўл қўйган. Яъни 2022 йил 15 апрелдаги ажрими билан суд ҳукмининг Ж.М.га оид қисмини бекор қилиб, Ж.М.ни ЖКнинг қайси моддалари билан айбдор деб топилганини кўрсатмасдан, унга нисбатан тўғридан-тўғри ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б", "в" бандлари ва 207-моддаси 1-қисми билан жазо тайинлаб, такроран хатога йўл қўйган.

Оқибатда Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 29 июлдаги ажримига кўра, Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 15 апрелдаги ажримининг Ж.М.га оид қисми бекор қилиниб, жиноят ишининг шу қисми янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

### *3. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига номувофиқ тайинланган жазо адолатсиз ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.*

Судлар томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖКнинг 266-моддаси) билан боғлиқ 5 843 та, 2022 йилнинг шу даврида 6 907 та жиноят иши кўрилгани бу тоифадаги жиноятлар 1064 тага (18,2 фоиз) кўпайганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг 11 февраль куни йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган йиғилишда бу борада бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, судлардан ушбу тоифадаги ишлар юзасидан қилмишнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, оқибатидан келиб чиққан ҳолда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар чиқарилишини таъминлаш талаб этилган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2022 йил 31 январдаги ҳукми билан ўнг оёғи сингани оқибатида транспорт воситасини бошқариш имконияти чекланганига қарамасдан автомашинани бошқариб келиб, пиёдалар ўтиш жойидан йўлни кесиб ўтаётган пиёда А.Қ.-ни уриб юбориб, унинг ўлимига сабабчи бўлган К.Ф. ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан 2 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил озодликдан маҳрум

қилиш жазоси тайинланган.

Бироқ Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси мамлакат бўйича йўл транспорти ҳодисалари йил сайин ошиб бораётгани ва бу борадаги криминоген вазиятни, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси борлигини инобатга олмасдан, 2022 йил 31 январдаги ажрими билан суд ҳукмини ўзгартириб, ҳеч бир асослар бўлмаган бир вазиятда К.Ф.га ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаган.

Натижада Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 19 августдаги ажримига кўра, Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг юқоридаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

***4. Фуқаровий даъвогарга етказилган зарар қоплангани ҳақида асоссиз хулосага келингани суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлди.***

Жиноят ишлари бўйича Термиз тумани судининг 2021 йил 20 декабрдаги ҳукмига кўра, Х.Х.га ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан ЖКнинг 57, 60, 61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланган Х.Х.дан фуқаровий даъвогар Б.Т.нинг фойдасига 24 900 000 сўм, Ж.Р.нинг фойдасига 19 632 000 сўм ва Ў.Р.нинг фойдасига 1 500 000 сўм етказилган зарар ундирилиши белгиланган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси фуқаровий даъвогарларга етказилган зарар қопланганини тўлиқ текширмасдан, хусусан, фуқаровий даъвогар Ж.Р. Россия Федерациясига кетган бўлса-да, унинг номидан С.Р. томонидан ёзилган аризани инобатга олиб, 2022 йил 10 февралдаги ажрими билан суд ҳукмини ўзгартириб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди, ЖКнинг 60, 62-моддаларига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 2 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, барвақт хулосага келган.

Натижада С.Р. судланган Х.Х.нинг қариндошлари зарарни қоплаб беришни ваъда бериб, ундан алдов йўли билан тилхат олгани, бироқ ваъдасини бажармаганини билдириб шикоят ёзган. Ушбу жиноят иши Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясида 2022 йил 25 августда кўриб чиқилиб, Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилди.

**5. Ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик барча ҳолатларнинг аниқланмагани суд қарорининг бекор бўлишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон тумани судининг 2022 йил 15 апрелдаги қарорига кўра, И.Ё. МЖтКнинг 612-моддаси 1-қисми, 183-моддаси, 194-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган, деб топилиб, МЖтКнинг 34-моддаси 2-қисмига асосан унга 540 000 сўм маъмурий жарима жазоси тайинланган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 23 майдаги қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

МЖтКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги кўрсатилган.

Бироқ судлар ишни кўришда воқеа рўй берган кун И.Ё. Қумқўрғон тумани "Халқ қабулхонаси" мудири хонасида туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Б.Ж.нинг қабулига кириб, оилавий муаммолари бўйича мурожаат қилган. Б.Ж. унга нисбатан қўпол муомалада бўлиб, Миллий гвардия ходимларига уни хонадан чиқариб юборишни айтгани, ҳатто унга тан жароҳатлари етказилгани (иш ҳужжатларида суд тиббий экспертизаси хулосаси мавжуд), қўлидаги уяли телефон аппаратини ҳам олиб қўйганини баён этиб (мазкур ҳолатлар акс эттирилган DVD диск мавжуд), ушбу шахсларга нисбатан чора кўришни сўраб, тегишли тартибда ариза билан мурожаат этгани, унинг аризаси тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса-да, аммо бу ҳолатларга ҳамда иш бўйича расмийлаштирилган далолатномалар, далолатномаларни расмийлаштиришда иштирок этган холисларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари умуман тушунтирилмаганига қонуний баҳо бермаган.

Натижада Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 28 июлдаги ажримига кўра, Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг қарори бекор қилиниб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилди.

## СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

**1. Шахсга унинг бевосита ўзи эгаллаган лавозими ва хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган қўшимча жазо тайинланиши суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Тўрткўл тумани судининг 2022 йил 25 февралдаги ҳукмига кўра, Д.Р.га ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга тиббиёт муассасаларида жарроҳлик ишлари билан боғлиқ лавозимда ишлаш ҳуқуқидан

маҳрум қилиниб, 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 20 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 45-бандида ЖКнинг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолатда, суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги, бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ биринчи ва апелляция инстанцияси судлари қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этмасдан, Д.Р. навбатчи акушер-гинеколог шифокори лавозимида ишласа-да, унинг бевосита ўзи эгаллаган лавозим ва хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, яъни тиббиёт муассасаларида жарроҳлик ишлари билан боғлиқ лавозимда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо тайинлаш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Натижада Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 5 августдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими ўзгартирилиб, Д.Р. ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга тиббиёт муассасаларида шифокор акушер-гинеколог вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

***2. Жазо тайинлашда ЖКнинг 33-моддасида назарда тутилган тартибларга риоя қилмаслик суд қарорининг ўзгаришига сабаб бўлади.***

Жиноят ишлари бўйича Тойлоқ тумани судининг 2021 йил 29 октябрдаги ҳукмига кўра, З.К.га ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилояти суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмига кўра, агар шахс содир этган қилмишда ЖКнинг Махсус қисми айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган

қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 49-бандида бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашда шахс ЖКнинг Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбдор деб топилганда жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланиши ҳақида тушунтириш берилган бўлса-да, судлар З.К.-нинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича квалификация қилмасдан, бир модданинг турли қисмлари билан ЖКнинг 59, 61-моддаларига асосан жазо тайинлаб, нотўғри хулосага келган.

Натижада Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 4 августдаги ажрими билан З.К.га ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан ҳамда ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган жазолар бекор қилиниб, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

***3. Қилмишнинг нотўғри квалификация қилиниши суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.***

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 26 апрелдаги ҳукмига кўра, М.Т. ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "а" банди, 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 59, 60, 61-моддалари тартибида 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Қашқадарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлар М.Т.нинг Р.С.ни Миллий гвардиянинг Қашқадарё вилояти бошқармасига ишга жойлаштириб қўйиши эвазига 4 500 АҚШ долларини пора тариқасида беришга далолат қилгани, 2021 йил 25 январь куни ўтказилган тезкор тадбирда Р.С.дан кимёвий ишлов берилган 4 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида ушланиб, фирибгарлик жиноятини охирига етказа олмаганини тамомланган жиноят сифатида малакалаб, хатога йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 29 августдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 26 апрелдаги ҳукми ҳамда Қашқадарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 июндаги ажрими ўзгартирилиб, М.Т.нинг ҳаракати ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "а" бандидан 25, 168-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта квалификация қилинган.

***4. Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган икки ва ундан ортиқ ҳаракатлар давомли жиноят ҳисобланса-да, суд бу ҳаракатларни такрорий жиноят деб баҳолагани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.***

Жиноят ишлари бўйича Ғиждувон тумани судининг 2022 йил 29 мартдаги ҳукмига кўра, Б.С.га ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари, 168-моддаси 1-қисми ва 25,168-моддаси 3-қисми "б" банди билан ЖКнинг 59, 60, 61-моддалари тартибида 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Бухоро вилояти суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2022 йил 23 майдаги ажрими билан ҳукмнинг Б.С.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг айбидан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 25, 168-моддаси 3-қисми "б" банди чиқарилиб, ушбу моддалар ва ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган жазолар бекор қилинган ва унга нисбатан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.Х. ва Ш.Ҳ. 2021 йил 24 сентябрь куни дастлабки тергов жараёнида шахси аниқланмаган номаълум шахс билан ўзаро тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ғаразли ниятда қалбаки 850 АҚШ долларини таниши Б.С.га ўтказишган.

Ўз навбатида, Б.С. ушбу қалбаки чет эл валютасининг 50 купюрадаги 2 донасини биринчи марта М.Р.га ўтказган. Б.С. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, С.С.га 50 купюрадаги 4 дона АҚШ долларини миллий валютага айирбошлаш учун берган. С.С. АҚШ долларининг ҳақиқий эканига шубҳаланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига хабар беришини айтгач, у ҳодиса жойидан яширинган.

ЖКнинг 32-моддасида умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги белгиланган.

Суд Б.С. О.Х. ва Ш.Ҳ.-дан олган 850 АҚШ доллари қалбаки эканлигини аввалдан билиб, уларни бўлиб-бўлиб қонунга хилоф равишда ўтказишга қаратилган ҳаракатлари умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир пайтда, ушбу ҳаракатларнинг ҳар бирини янги қасд билан содир этилган такрорий ҳаракат деб баҳолаб, нотўғри тўхтамга келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 25 июлдаги ажрими билан Б.С.га нисбатан чиқарилган биринчи инстанция судининг ҳукми ҳамда апелляция инстанциясининг ажрими ўзгартирилиб, Б.С.нинг ҳаракатидан ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми "а" банди чиқарилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ

**ҚАРОРИ**

2022 йил 27 октябрь — № РС-61-22 — Тошкент шаҳри

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг тўққиз ойида жами кассация тартибида келиб тушган 3 821 та шикоятдан (такрорий шикоят бўйича келиб тушган ва кўрилган ишлар бундан мустасно) 2 550 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Кўриб тамомланган 2 550 та фуқаролик ишининг 2 103 та ёки 82,5 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 327 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 120 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган.

Суд ҳужжатлари бекор қилинган 327 та ишдан 22 таси биринчи инстанция судларига, 19 таси апелляция инстанциясига янгидан кўриш учун юборилган, 205 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган. 68 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган, 9 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган. 4 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, даъво ариза-

си кўрмасдан қолдирилган.

Статистик таҳлиллар орқали Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 621 тасини Тошкент шаҳар, 302 тасини Тошкент вилояти, 235 тасини Самарқанд вилояти, 185 тасини Фарғона вилояти, 181 тасини Қашқадарё вилояти, 131 тасини Бухоро вилояти, 127 тасини Сурхондарё вилояти, 124 тасини Хоразм вилояти, 120 тасини Наманган вилояти, 112 тасини Андижон вилояти, 99 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 91 тасини Жиззах вилояти, 76 тасини Навоий вилояти, 60 тасини Сирдарё вилояти ва 14 тасини Ҳарбий суд, 2 тасини Олий судда кўрилган ишлар ташкил этади.

Бундан ташқари 45 та иш қайта кассация тартибида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 45 та ишнинг 7 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 4 таси ўзгартирилган, 34 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, шундан 20 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 14 таси биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларига янгидан кўриш учун юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 35 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган, 29 та иш бўйича Фуқаролик процессуал кодексининг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарнома юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилгани сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Бу даврда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар, оилавий низолар (хусусан, никоҳдан ажратиш), қарз муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, меҳнат ва уй-жой (уйга киритиш, уйдан кўчириш ва бошқалар) низолари билан боғлиқ ишлар сони бирмунча кўпайган.

2022 йилнинг учинчи чорагида эр-хотиннинг мол-мулки (умумий ва алоҳида мулк деб топиш, бўлиш ва улуш ажратиш) юзасидан низолар, меросга оид низолар (меросхўр деб топиш ва бўлиш), битимлар билан боғлиқ ва болалар тарбиясига оид ишларни кўриш жараёнида процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда айрим судлар амалиётида хатоликларга йўл қўйилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига

йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Кучадолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман ва шаҳар судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси Ҳ.Турахужаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди раиси** **Б. ИСЛАМОВ**

*Олий суд Раёсатининг 2022 йил 27 октябрдаги*
*РС-61-22-сонли қарорига ИЛОВА*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

# О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг тўққиз ойида кассация тартибида келиб тушган 3 821 та шикоятдан (такрорий шикоят бўйича келиб тушган ва кўрилган ишлар бундан мустасно) 2 550 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Кўриб тамомланган 2 550 та фуқаролик ишининг 2 103 таси ёки 82,5 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 327 таси бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 120 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган.

Суд қарорлари бекор қилинган 327 та ишдан 22 таси биринчи инстанция судларига, 19 таси апелляция инстанцияси судларига янгидан кўриш учун юборилган, 205 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган, 68 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган. 9 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган, 4 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Статистик таҳлиллар орқали ФПКнинг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 621 тасини Тошкент шаҳар, 302 тасини Тошкент вилояти, 235 тасини Самарқанд вилояти, 185 тасини Фарғона вилояти, 181 тасини Қашқадарё вилояти, 131 тасини Бухоро вилояти, 127 тасини Сурхондарё вилояти, 124 тасини Хоразм вилояти, 120 тасини Наманган вилояти, 112 тасини Андижон вилояти, 99 тасини Қора-

қалпоғистон Республикаси, 91 тасини Жиззах вилояти, 76 тасини Навоий вилояти, 60 тасини Сирдарё вилояти ва 14 тасини Ҳарбий суд, 2 тасини Олий судда кўрилган ишлар ташкил этади.

Бундан ташқари 45 та иш қайта кассация тартибида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 45 та ишнинг 7 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 4 таси ўзгартирилган, 34 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, шундан 20 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 14 таси биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларига янгидан кўриш учун юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 35 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган, 29 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарнома юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилгани сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Бу даврда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар, оилавий низолар (хусусан, никоҳдан ажратиш), қарз муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, меҳнат ва уй-жой (уйга киритиш, уйдан кўчириш ва бошқалар) низолари билан боғлиқ ишлар сони бирмунча кўпайган.

2022 йилнинг учинчи чорагида эр-хотиннинг мол-мулки (умумий ва алоҳида мулк деб топиш, бўлиш ва улуш ажратиш) юзасидан низолар, меросга оид низолар (меросхўр деб топиш ва бўлиш), битимлар билан боғлиқ ва болалар тарбиясига оид ишларни кўриш жараёнида процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда айрим судлар амалиётида хатоликларга йўл қўйилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

### *1. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганини, мазмунини ёки бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади (ФКнинг 109-моддаси).*

Даъвогар М. жавобгар Б.га нисбатан уй-жойни оғзаки тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Туманлараро суднинг 2022 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар М.нинг даъво талаби рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 17 июндаги ажримига асосан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида

янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 30 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Шаҳар ҳокимининг 1993 йил 17 сентябрдаги 451-сонли қарори билан давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссиясининг 1993 йил 27 августдаги 18-сонли баённомаси тасдиқланиб, ушбу баённома рўйхатида низоли уй-жой Б.номига хусусийлаштирилгани қайд этилган.

Низоли уй-жой 2003 йил 19 ноябрда хусусийлаштириш давлат далолатномасига асосан Б. номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими терговчисининг 2021 йил 8 мартдаги қарорига кўра, О.нинг мурожаати юзасидан тўпланган ҳужжатларда жиноят таркиби бўлмагани сабабли жиноят иши қўзғатиш рад қилиниб, аризачига фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Биринчи инстанция судида аниқланишича, жавобгар Б. низоли уй-жойни даъвогар М.га 8 000 000 сўмга сотишга келишиб, шундан 6 000 000 сўмини олган, қолган 2 000 000 сўмини нотариал идора орқали хонадонни даъвогарнинг номига расмийлаштириб бергач, олиши керак бўлган.

Бироқ ушбу битим тарафлар ўртасида ёзма шаклдаги тузилмаган, мулкдорнинг ИИБда берган тушунтиришини олди-сотди битими сифатида тасдиқлашга асос бўлмайди.

Апелляция инстанцияси эса, иш учун аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт тўхтамга келган.

***2. Суднинг ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги ва моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилгани ёки нотўғри қўлланилгани суд ҳужжатини бекор қилиш ва ўзгартиришга асос бўлади.***

Даъвогар У. жавобгар Д. га нисбатан тўрт нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 1 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 15 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, тарафлар 2003 йил 18 сентябрда қонуний никоҳидан ўтиб, тўрт нафар фарзандли бўлишган, фарзандларидан 2004 йил 4 июлда туғилган О. вояга етган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар Д. уй-жойга киритиб қўйилган ва у фарзандлари билан бирга ушбу низоли уйда яшаб келган.

Дастлаб даъвогар У.нинг аризасига биноан туманлараро суднинг 2021 йил 9 июлдаги суд

буйруғи билан алимент ундириш белгиланган ва ушбу буйруқ жавобгар Д.нинг эътирозига асосан суднинг 2021 йил 16 июлдаги ажрими билан бекор қилинган.

Даъвогар У. судга яна даъво аризаси билан мурожаат этиб, унда жавобгар Д. 2021 йил июль ойидан буён ихтиёрий равишда фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлигини асос сифатида кўрсатган.

Судлар болалар отаси У. нинг қарамоғида экани, жавобгар Д. вояга етмаган фарзандларига моддий ёрдам бермаётгани, етарлича ғамхўрлик қилмагани ҳақида хулосага келиб, даъвони қаноатлантиришни лозим топган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Д.нинг даъвоси қаноатлантирилиб, низоли уй-жой Д. ва У.нинг никоҳ давомида орттирилган умумий мулки деб топилиб, ҳар бирининг ушбу мулкдаги улуши 1/2 қисмдан этиб белгиланган ҳамда Д.нинг низоли хонадоннинг яшаш хонасига киритиб қўйиш белгиланган.

Бироқ судлар жавобгар Д. даъвогар ва фарзандлари яшаб келаётган уйдан даъвогар У.нинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари таъсирида чиқиб кетишга мажбур бўлгани ва натижада фарзандлари билан кўришиш, уларга моддий ёрдам бериш, ғамхўрлик қилишга имкони бўлмаган.

Мазкур ҳолат жавобгар Д. вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган деб ҳисоблашга асос бўлмайди.

Судлар эса, иш учун аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини тўлиқ ва холисона аниқлаш чораларини кўрмасдан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган ҳолда даъвогар У.нинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

### *3. Суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бекор қилиниши мумкин.*

Даъвогар И. жавобгарлар — вилоят ҳокимлиги, шаҳар ҳокимлиги ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлардан ўзининг фойдасига тўланмасдан қолган 1 919 077 сўм иш ҳақи, суднинг қарорига асосан ундирилиши белгиланган 2 292 640 сўм компенсация ва 1 500 000 сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Туманлараро суднинг 2022 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 26 майдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 29 августдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, вилоят ҳокимининг 2014 йил 12 августдаги 131-Ф-сонли фармойишига кўра, "Меҳмонхона" мажмуаси вилоят ҳокимлиги балансига ўтказилган.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг 2014 йил 19 августдаги 136-Ф-сонли фармойишига асосан "Меҳмонхона" мажмуаси шаҳар ҳокимлиги балансига ўтказилган.

Шаҳар ҳокимининг 2014 йил 21 августдаги 148-Ф-сонли фармойишига асосан "Меҳмонхона" мажмуасини шаҳар ҳокимлигининг уй-жойларни ҳисобга олиш ва нотурар жойлардан фойдаланиш корхонаси балансига қийматсиз қабул қилиш белгиланган.

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси, "W" акциядорлик жамияти шаклидаги хорижий корхонаси, шаҳар ҳокимлиги уй-жойларни ҳисобга олиш ва нотурар жойлардан фойдаланиш давлат корхонаси ҳамда шаҳар ҳокимлиги иштирокида "Меҳмонхона" бино-иншоотларини сотиш бўйича 2017 йил 21 декабрда олди-сотди шартномаси тузилган.

Суд эса, ишни кўришда аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳолатларни тўлиқ ва ҳар тарафлама аниқламасдан, "Меҳмонхона" бино-иншоотларини сотиш бўйича тузилган олди-сотди шартномаси ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиб ўрганмасдан, шаҳар ҳокимлиги уй-жойларни ҳисобга олиш ва нотурар жойлардан фойдаланиш давлат корхонасини ишга жавобгар сифатида жалб қилмасдан, моддий ва процессуал хатоликларга йўл қўйган.

### *4. Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво).*

Даъвогар — С. жавобгар — А. ва унинг оила аъзоларига нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиб, уйдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 1 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 19 августдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 28 июлдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини қисман қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, 2019 йил 20 августдаги қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномага асосан низоли уй-жой даъвогар С.га тегишли бўлган.

Қуйи инстанция судлари низоли уй-жойни сотиш ҳақида даъвогарнинг онаси томонидан ёзилган тилхат мавжудлиги, жавобгарлар шу асосида низоли уйда бир неча йилдан буён яшаб келишгани, паспорт тизими бўйича рўйхатда туриши, даъвогар ва уни марҳум онаси томонидан шу кунга қадар уйдан чиқариш бўйича жавобгарларга нисбатан бирор-бир талаб қўймаганини асос қилиб, даъвони рад қилган.

Иш материалларида "У." маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан тузилган далолатномаларга қараганда, жавобгарлар даъвогар С.га тегишли

бўлган низоли уй-жойда яшаб келишган.

Туман ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасининг 2022 йил 26 июлдаги маълумотномасида фуқаро С.га тегишли низоли уй-жойда 1994 йилда туғилган У. ва 2000 йил туғилган Ё.дан бошқа шахслар рўйхатда турмаслиги маълум қилинган.

Шунингдек, кассация инстанцияси суди мажлисида сўралган жавобгар А. ўз тушунтиришларида "У." маҳалла фуқаролар йиғини, У. қишлоғида отасига тегишли уй мавжуд бўлгани, шу ерда рўйхатда тургани, ҳозирда акаси ушбу уйда яшашини билдирган.

Жавобгарлар даъвогарга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган "У." маҳалла фуқаролар йиғини, Ш. қишлоғидаги уй-жойда рўйхатда турмасликлари, даъвогарнинг оила аъзоси ҳисобланмаслиги, даъвогар ёки унинг онаси билан биргаликда умумий рўзғор юритиб яшамагани, тарафларнинг ота-оналари ўртасида турар жой юзасидан низо мавжуд бўлгани, жавобгарлар низоли турар жой мулкдори ёки фойдаланувчиси эмасликларини эътиборга олиб, кассация инстанцияси даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ

**ҚАРОРИ**

2022 йил 27 октябрь № РС-63-22 Тошкент шаҳри

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 199 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида 1 741 та кассация шикояти (протести) келиб тушган.

Шундан 585 та шикоят қайтарилган, 94 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 1 052 та шикоят (протест) кўриб чиқилган бўлиб, 682 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 48 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 322 та иш бўйича суд ҳужжатлари эса, бекор қилинган.

198 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 86 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 30 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 2 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 6 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 209 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 14 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврининг бошидаги қолдиқ билан бирга ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида 43 та протест келиб тушган ва улардан 39 таси кўриб чиқилиб, 3 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 3 таси бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгартирилган, 33 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилинган. Бекор қилинган суд ҳужжатларининг 24 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 9 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, уларнинг 4 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 4 та протест ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Судьялар одил судловни амалга оширишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Кучадолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б.Сайфуллаев) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларига амалиётда фойдаланиш, ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ҳ.Турахужаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди раиси** **Б. ИСЛАМОВ**

Олий суд Раёсатининг 2022 йил 27 октябрдаги
РС-63-22-сонли қарорига ИЛОВА

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти ОБЗОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 199 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1 741 та кассация шикояти (протести) келиб тушган.

Шундан 585 та шикоят қайтарилган, 94 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 1 052 та шикоят (протест) кўриб чиқилган бўлиб, 682 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 48 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 322 та иш бўйича суд ҳужжатлари эса бекор қилинган.

198 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 86 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 30 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 2 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 6 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 209 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 14 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврининг бошидаги қолдиқ билан бирга ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида 43 та протест келиб тушган ва улардан 39 таси кўриб чиқилиб, 3 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 3 таси бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгартирилган, 33 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилинган. Бекор қилинган суд ҳужжатларининг 24 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 9 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, улардан 4 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 4 та протест ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато

ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФК, ИПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

### *1. Иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмагани биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.*

"Ш." МЧЖ томонидан халқаро стандартлар асосида сертификатлаштириш идораси хизматини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилинган.

Мазкур танловда даъвогар — "Д." МЧЖ, жавобгар — "М." МЧЖ ҳамда бошқа МЧЖлар иштирок этган.

Танлов натижаларига кўра, жавобгар танлов ғолиби сифатида тан олинган ва "А." МЧЖ ҳамда жавобгар ўртасида шартнома тузилган.

Танлов ўтказиш жараёнида қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани важи билан даъвогар судга мурожаат қилиб, ўтказилган "кимошди" савдоси ҳамда у асосида тузилган шартномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 14 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2022 йил 17 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлар томонидан ишни кўришда иш учун муҳим бўлган ҳолатлар аниқланмасдан барвақт хулосага келинган.

Жавобгарда хизмат кўрсатиш учун тегишли лицензияси борлиги МДҲ ва мамлакатимизда сертификатлаштириш хизматларини кўрсатиш бозорларидаги фаолияти камида 10 йилни ташкил этиши, стандартлар бўйича миллий аккредитациянинг борлиги, стандартлар бўйича IAF ёки унинг аъзоси эътирофидаги халқаро аккредитациянинг борлиги текширилмаган ва даъво аризасида бу ҳақда келтирилган важларга ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Жавобгарнинг фаолияти 7 йилдан ошмаганлиги ҳамда унга берилган гувоҳноманинг амал қилиши 2020 йил 23 ноябрдан тўхтатиб қўйилгани тўғрисида билдирилган важлар ўрганилмаган.

Судлар томонидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг мутахассисини жалб қилиш чоралари кўрилмаган.

Судлов ҳайъати баён қилинган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйи судларнинг қарорларини бекор қилган ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборган.

***2. Пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу банк томонидан тасдиқланган тақдирда, юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши керак.***

Даъвогар — вилоят божхона бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — "О." хусусий корхонасидан 904 555 535,84 сўм божхона тўловини ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 27 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2022 йил 30 июндаги ажрими билан жавобгарнинг давлат божи тўловини кечиктириб тўлашга рухсат бериш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилиб, апелляция шикояти қайтарилган.

Апелляция шикоятига банкнинг 2022 йил 23 июндаги маълумотномаси ҳам илова қилинган ва давлат божи тўловини кечиктиришга рухсат бериш сўралган.

Апелляция инстанцияси суди ўз ажрими билан давлат божи корхона учун унинг раҳбари ёки таъсисчиси томонидан ҳам тўланиши мумкинлигини кўрсатиб, илтимосномани қаноатлантиришни рад этган.

"Давлат божи тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддаси йигирма олтинчи қисмига биноан пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра, давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши керак.

Суд қарори устидан шикоят берилган вақтда тақдим этилган маълумотноманинг уч кунлик муддати ўтмаган бўлган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

***3. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида билдирилган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши керак.***

Даъвогар — Монополияга қарши курашиш қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси судга жавобгар — А. шаҳар мактабгача таълим бўлими ва иккинчи жавобгар — "Р." хусусий корхонасига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, танлов комиссиясининг танлов баённомасини ҳақиқий эмас, деб топишни, жавобгар ва иккинчи жавобгар ўртасида мактабгача таълим муассасасини 348 700 000 сўмга жорий таъмирлаш бўйича тузилган шартномани ҳақиқий эмас, деб топишни ва жавобгар зиммасига мактабгача таълим муассасасини жо-

рий таъмирлаш учун нархи 401 430 380 сўмлик "dxarid.uzex.uz" махсус порталида қайта танлов савдосини ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Танлов комиссиясининг танлов савдоси ва танлов баённомаси ҳамда жавобгарлар ўртасида тузилган мактабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш бўйича шартнома ҳақиқий эмас, деб топилган.

Даъвонинг жавобгар зиммасига мактабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш учун нархи 401 430 380 сўмлик "dxarid.uzex.uz" махсус порталида қайта танлов савдосини ўтказиш мажбуриятини юклаш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2022 йил 21 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарорининг танлов баённомасини ва пудрат шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш қисмлари бекор қилинган.

ИПКнинг 179-моддаси олтинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида билдирилган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши керак.

Апелляция инстанцияси суди томонидан ушбу процессуал ҳуқуқ нормаси бузилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг танлов баённомаси ва пудрат шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш қисмларини бекор қилган бўлса-да, ўзи ушбу талаблар бўйича янги қарор қабул қилмаган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва ишни апелляция инстанцияси судида янгидан кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

## МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

***1. Ашё текин сақланганида унинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши туфайли юк топширувчига етказилган зарар ашёлар йўқолгани ва кам чиққани учун йўқолган ёки етишмаётган ашёларнинг қиймати миқдорида қопланади. Бунда муқаддам ашёнинг қийматини суд ҳужжати асосида ундириш белгиланган бўлса, баҳолаш ҳисоботи асосида ашёнинг бугунги кундаги бозор қийматини ундириш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантириш рад этилади.***

Даъвогар — "Р." МЧЖ ва жавобгар — "И." МЧЖ ўртасида омонатни сақлаш шартномаси тузилган бўлиб, шартноманинг 1.1-бандига асосан, жавобгар — омонат сақловчи даъвогар — юк топширувчининг умумий қиймати 98 652 АҚШ долларига тенг бўлган товарларини беғараз сақлаб бериш ва унинг биринчи талаби бўйича тўлиқ ҳолда қайтариш мажбуриятини олган. Юк далолатнома асосида жавобгарга топширилган.

Даъвогарнинг товарни қайтариб бериш ҳақидаги талаби жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилгани сабабли биринчи инстанция судининг 2021 йил 27 майдаги ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг қонун-

сиз эгалигидан даъвогарга тегишли қиймати 98 652 АҚШ доллари ташкил этган товар-моддий бойликларни даъвогарга олиб бериш белгиланган.

Кейинчалик даъвогар судга ариза билан мурожаат қилиб, 2021 йил 27 майдаги ҳал қилув қарорининг ижросини жавобгардан йўқотилган маҳсулот қийматини, яъни 3 277 500 000 сўмни ундириш орқали ижро усули ва тартибини ўзгартириб беришни сўраган.

Суднинг 2021 йил 3 декабрдаги ажрими билан ариза қисман қаноатлантириб, ижро ҳужжатининг ижро этиш усули ва тартиби ўзгартирилган. Жавобгардан даъвогар фойдасига йўқотилган маҳсулотнинг қиймати 98 652 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати, яъни 1 061 522 156 сўмни ундириш белгиланган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 23 декабрдаги қарори билан ушбу ажрим бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш рад этилган.

Судлов ҳайъатининг 2022 йил 27 январдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ажрими ўзгартирилган. Биринчи инстанция суди ажримининг жавобгардан даъвогар фойдасига йўқотилган товарнинг 1 061 522 156 сўм қийматини ундириш қисми 1 025 092 932 сўмга ўзгартирилган.

Шундан сўнг даъвогар топширилган товарлар жавобгарда мавжуд эмаслиги сабабли, ўзига етказилган зарар қийматини аниқлаш мақсадида баҳолаш ташкилотига мурожаат қилган. Баҳоловчи ташкилот томонидан йўқотилган товарлар 3 277 500 000 сўмга баҳоланган.

Судлов ҳайъатининг 2022 йил 27 январдаги қарори билан жавобгардан 1 025 092 932 сўм ундирилгани, ундирилган пул маблағи ва баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган товарнинг бозор қиймати ўртасидаги фарқ ўзига етказилган зарар экани важлари билан даъвогар судга янги даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ФКнинг 890-моддасига асосан 3 277 500 000 сўмнинг 1 025 092 932 сўмдан ташқари қисмини, яъни 2 252 407 068 сўмни жавобгардан зарар сифатида ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 20 майдаги ҳал қилув қарори билан зарарни ундириш талаби исботлаб берилмагани учун даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси суди эса, даъвогар томонидан даъво талабини асословчи далил сифатида баҳолаш ҳисоботи келтирилгани, шунингдек, ашёларни реализация қилиш тўғрисида даъвогар ва "S." МЧЖ ўртасида тузилган шартнома тақдим этилгани ва бу далиллар даъвогарнинг жавобгар томонидан ашёларни йўқотилиши натижасида даромад бой берилганини тасдиқлаши тўғрисидаги хулосага келиб, даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида 2022 йил 15 июлда қарор қабул қилган.

Мазкур ҳолатда биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ҳолда қарорлар қабул қилинган. Хусусан, биринчи инстанция суди даъвогар томонидан зарарнинг ҳисоб-китоби асослантирилган баҳолаш ҳисоботига тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган ҳолда даъво талабини исботлаб берилмагани важи билан даъво талабини рад

этиб нотўғри тўхтамга келган бўлса, апелляция инстанция суди ФКнинг 14-моддаси, 890-моддаси биринчи қисми ва 324-моддаси биринчи қисмига асосан даъво талабини қаноатлантириб, моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўйган.

Мазкур ҳолатга ФКнинг 890-моддаси биринчи қисми ва 324-моддасини қўллаб бўлмайди, чунки тарафлар ўртасида тузилган омонат сақлаш шартномаси бўйича умумий қиймати 98 652 АҚШ долларига тенг бўлган товарлар беғараз сақлаб бериш шарти билан берилган ва ушбу ашёнинг қиймати ФКнинг 890-моддаси иккинчи қисмига асосан ундирилиши лозим.

Бундай ҳолатда даъвогар ашёнинг қийматини ундиришни талаб қилишга ҳақли бўлиб, муқаддам суд ҳужжати асосида ашёнинг қийматини ундириш белгиланган. Шунга кўра, ашёнинг баҳолаш ҳисоботи асосида бозор қийматини ундириш ҳақидаги даъво талаби асоссиз ва ушбу талабни қаноатлантириш рад қилиниши лозим.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ҳамда даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

***2. Иштирокчини жамиятдан чиқариш талаби билан судга фақат жами улушлари жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари мурожаат қилиши мумкинлиги, агар даъвогар иштирокчининг ўзи жамият устав фондидаги улушини тўлиқ шакллантирмаган бўлса, даъво аризасини қаноатлантириш рад этилади.***

"К." МЧЖ таъсисчилари Д. ва Х. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ таъсисчиси Р.ни у томонидан жамият устав фондида ўз улушини шакллантирилмагани учун таъсисчилар сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2022 йил 14 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, туман Давлат хизматлари маркази томонидан қайта рўйхатга олинган МЧЖ Низомига мувофиқ таъсисчилар Д.нинг улуши 1 695 020 213 сўм (ёки 68,2 фоиз)ни, Р.нинг улуши 130 000 000 сўм (ёки 5,2 фоиз)ни, Х.нинг улуши 660 568 000 сўм (ёки 26,6 фоиз)ни ташкил этган.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Даъво аризасида МЧЖ таъсисчиси Р.ни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш учун у томони-

дан устав фонди шакллантирилмагани асос сифатида кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ваҳоланки, ишдаги мавжуд юк хати ва шу кундаги топшириш далолатномасига асосан 188 000 000 сўмлик товарлар МЧЖ таъсисчиси Р. томонидан МЧЖга топширилган. Давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган МЧЖ таъсисчиларининг 5-сонли умумий йиғилиш қарори билан МЧЖ таъсисчиси Р. томонидан МЧЖга топширилган товарлар МЧЖ устав фондига олинган.

Шунингдек, юк хати ва топшириш далолатномасига асосан жами 52 000 000 сўмлик товарлар МЧЖ таъсисчиси Р. томонидан МЧЖга топширилган. Давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилиш қарори билан МЧЖ таъсисчиси Р. томонидан МЧЖга топширилган товарлар МЧЖ устав фондига олинган.

МЧЖ томонидан таъсисчи Р.га 240 000 000 сўмга устав фондини шакллантиргани тўғрисида гувоҳнома берилган.

Вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси терговчисининг 2022 йил 10 майдаги жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорида қайд этилган ҳолатлар билан даъвогар МЧЖ таъсисчиси Д.нинг ўзи томонидан ҳам МЧЖ устав фонди тўлиқ шакллантирилмагани тасдиқланган.

Ушбу ҳолатда МЧЖ таъсисчиси Р.ни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш учун унинг МЧЖ Низомида белгиланган айнан қайси мажбуриятни бажармаётгани, ўз мажбуриятларини қўпол бузаётгани ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан МЧЖнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётгани ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётгани, даъвогар таъсисчи Д.нинг ўзи 68,2 фоиз устав фондини тўлиқ шакллантирмаган бир пайтда 5,2 фоиз улушга эга бўлган Р. томонидан устав фонди шакллантирилмаган бўлса, МЧЖ фаолиятига қандай таъсир кўрсатиши тегишли далиллар билан исботланмаган.

Бундай ҳолатда биринчи инстанция суди МЧЖ таъсисчиси Р.ни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш учун асос бўлган ҳолатлар тегишли тартибда исботланмаганини инобатга олмасдан, даъво талабини қаноатлантириш, апелляция инстанцияси суди эса, қайд этилган ҳолатларга эътибор қаратмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ*

**ҚАРОРИ**

2022 йил 27 октябрь № РС-60-22 Тошкент шаҳри

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан қуйидагиларни таъкидлайди.

Статистик таҳлилларга кўра, 2022 йилнинг учинчи чорагида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация шикоятлари (протестлари) асосида 377 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 312 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 59 та иш бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 4 та иш бўйича иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисидаги протестлар бўйича 12 та иш кўриб чиқилган.

Таҳлиллардан кўринишича, суд қарорларининг бекор қилинишига моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмагани, иш ҳолатларига нотўғри баҳо берилгани, айрим ҳолларда эса, низога нисбатан моддий ҳуқуқ нормалари ҳамда процессуал муддатларни қўллашда хатоликка йўл қўйилиши сабаб бўлмоқда.

Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тар-

тибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Кучадолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (У.Холов) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар ҳамда туманлараро маъмурий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судларга, туманлараро маъмурий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Р.Махмудова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди раиси** **Б. ИСЛАМОВ**

*Олий суд Раёсатининг 2022 йил 27 октябрдаги РС-60-22-сонли қарорига ИЛОВА*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Статистик таҳлиллардан кўринишича, 2022 йил учинчи чорагида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кассация шикоятлари (протестлари) асосида 377 та иш кўрилган бўлиб, шундан 312 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 59 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 4 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисидаги протестлар асосида 12 та иш кўриб чиқилган.

Таҳлил натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан аксарият ҳолларда ишлар тўғри ҳал этилган бўлса-да, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйганлик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Биринчи ва апелляция инстанциялари судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин.

### *1. Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмагани, суд хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.*

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 13 майдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи "А." фермер хўжалигининг туман ҳокимининг 2021 йил 8 сентябрдаги 84-10-134-0/21-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Низоли қарор билан туман ҳокимининг 2020 йил 22 апрелдаги 1313-сонли "Б." фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 464, 465 ва 475қ-контурларидаги жами 14,97 гектар ер майдонини давлат захирасига қайтариб олиш ҳақидаги

қарори бекор қилинган.

Шунингдек, ушбу қарор билан туман ҳокимининг 2020 йил 23 апрелдаги "А." фермер хўжалигига қўшимча 53,19 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги 1366-сонли қарори қишлоқ хўжалиги харитасининг 464, 465, 475қ-контурларидаги 14,97 гектар ерга оид қисми ҳам бекор қилинган.

Туман ҳокимлиги ва "Б." фермер хўжалиги ўртасида 2019 йил 9 мартда жами 51,74 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ер кодексининг 36-моддасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиниши асослари назарда тутилган бўлиб, туман ҳокимининг 2020 йил 22 апрелдаги 1313-сонли қарорига асосан "Б." фермер хўжалигининг 14,97 гектар ер майдони ушбу моддада назарда тутилган айнан қайси асосга биноан олиб қўйилгани асослантирилмаган.

Туман ҳокимининг ушбу қарори қабул қилинишида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 14-сонли қарорига асосланилган бўлса-да, "Б." фермер хўжалигининг ер майдони захирага олинишига ушбу қарор талабларига ҳам тўлиқ риоя этилмаган.

Туман ҳокимлиги қошидаги ер участкаларини ажратиш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг йиғилишида ердан ижара асосида фойдаланувчиларнинг ер майдонларини тўлиқ ёки қисман туман давлат захирасига қайтариб олиш масаласи кўрилиб, унда "Б." фермер хўжалигининг жами 14,79 гектар ер майдонини захирага қайтариб олиш, 10,08 гектар ер майдонини эса, унинг ихтиёрида қолдириш тўғрисида хулоса қилинган. Бироқ айнан нима сабабга мувофиқ фермер хўжалиги ер майдонининг бир қисми захирага олиниши асослантирилмаган.

Туман ҳокимининг қарори юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда учинчи шахс — "Б." фермер хўжалигининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда қабул қилингани сабабли прокурор протестига асосан туман ҳокими томонидан қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинган.

Аризачига ер майдони туман ҳокимининг 2020 йил 11 апрелдаги 1313-сонли қарори билан "Б." фермер хўжалигидан қонун талабларига зид равишда олиб қўйилиши оқибатида ажратилгани, шу сабабли мазкур қарор прокурор протестига асосан туман ҳокимининг қарори билан бекор қилингани ва бу ўз навбатида, ушбу ер майдони унга қайтарилишини талаб этишини инобатга олиб, фақатгина маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилмагани важи билан қонуний бўлган қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлмайди.

Шунингдек, судлар томонидан "Б." фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида 2019 йил 9 мартда тузилган жами 51,74 гектар ерни узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси бекор қилинмагани инобатга олинмаган.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар қуйи инстанция судлари томонидан тўлиқ аниқланмагани, мавжуд далилларга нотўғри баҳо берилгани сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 2 июлдаги

қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Яна бир мисол: вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 11 мартдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 23 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи "А." хусусий корхонасининг туман ҳокимининг 2019 йил 28 сентябрдаги 3015-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

"А." хусусий корхонаси АТ "Халқ банки" туман филиалидан 30 ой муддатга йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан ажратилган 150 миллион сўм кредитни ўз муддатида қайтармагани сабабли туманлараро иқтисодий судининг 2017 йил 30 августдаги ижро ҳужжатига асосан мажбурий ижро бюроси туман бўлимининг 2017 йил 3 ноябрдаги қарори билан "А." хусусий корхонасининг автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасининг қурилиш ости майдони 210,27 кв.метр бўлган А-литерли бино, Б-литерли ёқилғи сақлаш жойи, В-литерли ёқилғи қуйиш бекати, Д-1-литерли бино ва иншоотлари "Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК орқали сотувга чиқарилган.

2017 йил 29 ноябрдаги "Электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисида"ги ОА 0714-000001-сонли баённомага кўра, фуқаро "Б." аукцион ғолиби деб топилган.

Туман ҳокимининг 2018 йил 20 августдаги 1595-сонли қарори билан "Ғ." маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Б."га тегишли бўлган қурилиш ости майдони 210,27 кв.метр бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси биносига эгалик қилиш ҳуқуқи тўғри деб топилган ва унинг фойдаланишида бўлган жами 0,11 гектар ер майдони мақсадли доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб берилган.

Туман ҳокимининг ушбу қарори билан аукцион ғолиби бўлган "Б."га автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасининг фойдаланишида бўлган жами 0,11 гектар ер майдонини мақсадли доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктиришда 905,73 кв.метр майдони "А." хусусий корхонасига тегишли экани инобатга олинмаган.

Кейинчалик ушбу хатони тўғрилаш мақсадида туман ҳокимининг 2019 йил 28 сентябрдаги 3015-Қ-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2018 йил 20 августдаги 1595-сонли қарорига ўзгартириш киритилиб, унга кўра, қарорнинг 1-бандида кўрсатилган "0,11 гектар" сўзлари "0,076 гектар" деб ўқилиши белгиланган. Шунингдек, қарорга 4-банд қўшилиб, унда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2004 йил 29 декабрдаги "Б." ширкат хўжалиги, "С." қишлоғида қуриб битказилган автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси биносини фойдаланишга топшириш далолатномасини тасдиқлаш, эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаш ҳамда ер майдонини бириктириш тўғрисида"ги 499/12-сонли қарорининг 2-бандидаги "1116 кв.метр" сўзлари келгусида "356 кв.метр" ўқилсин деб белгиланиб, туман ҳокимлиги томонидан такроран хатоликка йўл қўйилган.

Аризачи "А." хусусий корхонасига тегишли бўлган аукционда сотилган 210,27 кв.метр бино ва иншоотлардан қолган

905,73 кв.метр ер участкасидаги бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқ хусусий корхона раҳбари "В." томонидан 2019 йил 12 февралда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги эътиборга олинмасдан, қонунда белгиланган тартибда "А." хусусий корхонаси огоҳлантирилмасдан ва ер участкаси қонунга риоя қилинган ҳолда захирага олинмасдан туман ҳокимлиги томонидан 2019 йил 28 сентябрда қонунга зид равишда 3015-Қ-сонли қарор қабул қилинган.

Чунки мазкур қарор қабул қилинишида Ер кодекси ва "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун талабларига риоя қилинмаган, аризачи ушбу қарор қабул қилиниши ҳақида огоҳлантирилмаган.

Қуйи судлар томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмагани ва қонуний баҳо берилмагани натижасида кассация инстанцияси судининг 2022 йил 27 июлдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

***2. Аризачининг тегишли тартибда хабардор қилинмагани аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни бекор қилишга асос бўлади.***

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 3 февралдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 17 ноябрдаги ажримига кўра, аризачи "А."нинг туман ҳокимлигининг 2021 йил 16 октябрдаги 5/м-2213-сонли, Давлат кадастрлари палатаси туман филиалининг 2021 йил 18 октябрдаги 1812-сонли, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2021 йил 15 октябрдаги 165-сонли жавоб хатларини қонунга хилоф деб топиш, Давлат кадастрлари палатаси туман филиали зиммасига "Қ." маҳалла фуқаролар йиғини, Я. кўчасидаги 27-уйни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасига кўра, агар суд маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олгани ёки ушбу кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилингани тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳудудий почта алоқа боғланмасининг жавоб хатида 2021 йил 29 октябрда "Гибрид почта тизими"га келиб тушган хатларни чоп қилиб, пост пакет қилиш вақтида техник сабабга кўра ва эътиборсизлик оқибатида "А." ва бошқа фуқароларга келган 6 та хат эгаларига етказилмасдан қолгани маълум қилинган.

Бундай ҳолда аризачи "А."ни Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 125-моддаси талабига асосан хабардор қилинган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 8 июлдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

***3. Суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.***

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 6 майдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 14 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи "А."нинг туман ҳокимининг 2012 йил 15 январдаги 29-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

"Б." эркин туристик зонаси дирекцияси ДУКнинг хатида "Д." маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан "А."га тадбиркорлик учун 0,08 гектар ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан мутасадди ташкилотларнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг ажратилиши ва қурилиш ишларини бажаришга қаршилик билдирилмаслиги кўрсатилган.

Туман прокурорининг туман ҳокимлигига киритилган протестида ер ажратиш масаласи ҳокимлик ҳузуридаги комиссия йиғилишида 2021 йил 14 январда кўриб чиқилган вақтда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли қарори кучда бўлмагани, ушбу қарор Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сонли қарори қабул қилиниши муносабати билан 2019 йил 21 декабрь куни ўз кучини йўқотгани инобатга олинмагани кўрсатилган.

Бироқ суд Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сонли қарорида ҳам ер участкасини ажратиш тартиби ўзгармаганига эътибор қаратмаган.

Шунингдек, суднинг аризачи ер участкаси захирага олинишида Ер кодекси талабларига риоя этилмагани ҳақидаги хулосалари ҳам иш ҳолатларига мувофиқ келмайди.

Жумладан, аризачига ажратилган ер участкаси Ер кодексига мувофиқ захирага олинмаган, балки ер ажратиш ҳақидаги қарор қонун талабларига мувофиқ бўлмагани сабабли бекор қилинган бўлиб, бунда судлов ҳайъати туман прокурори томонидан киритилган протест туман ҳокимлиги томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасига асосан тўғри кўриб чиқилган.

Бу ҳолатларга қуйи инстанция судлари томонидан тўғри баҳо берилмагани ва суднинг хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 16 июлдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

**4. Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига амал қилмаслик суд қарорининг бекор бўлишига асос бўлади.**

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 26 апрелдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 2 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи "А."нинг жавобгар туман ҳокимининг 2022 йил 17 январдаги 21-4-56-Q/22-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 24 августдаги X-3209/08-сонли қарори билан "Б." маҳалла фуқаролар йиғини, "Ч." кўчаси ҳудуди туман захира ер фондидан "А."га "Китоб ва мебель савдо дўкони" объекти қуриш учун 480,0 квадрат метр қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратилган.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш доимий комиссиясининг 2019 йил 20 августдаги далолатномасида "А."га "Китоб ва мебель савдо дўкони" объекти қуриш учун танлаб ажратилаётган ер майдони жойига бориб ўрганиб чиқилгани кўрсатилиб, комиссия раиси ҳамда аъзолари томонидан тасдиқланган.

Ушбу қарорда ер участкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Ёшлар келажагимиз" давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5466-сонли Фармони асосида ажратилаётгани кўрсатилган.

Кейинчалик низоли қарор билан туман прокурорининг протести қанотлантирилиб, 2019 йил 24 августдаги X-3209/08-сонли қарор бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 20 апрелдаги ПҚ-3677-сонли қарори 1-бандига мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби белгиланган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 24 августдаги X-3209/08-сонли қарори билан аризачига 480,0 кв.метр ер майдони тўғридан-тўғри, аукцион савдоларисиз "Китоб ва мебель савдо дўкони" объектини қуриш учун ажратиш ҳақидаги далолатноманинг тасдиқланиши юқорида қайд этилган қонун ҳужжати талабларига зиддир.

Шунингдек, "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига кўра, давлат шериги тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича аниқланадиган хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиши белгиланган бўлса-да, туман ҳокимлиги ва фуқаро ўртасида давлат-хусусий шериклик шартномаси тузилмаган.

Аризачига аукционсиз

480,0 кв.метр ер участкаси ажратиб берилиши оқибатида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сонли қарори талаблари ҳам бузилган.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 59-моддаси еттинчи қисми учинчи хатбошисига мувофиқ манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг ғайриҳуқуқийлигини билган ёки ўз айбига кўра, бу ҳақда билмаган бўлса, манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилинмаслиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси судининг 2022 йил 30 августдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

***5. Судга тааллуқлиликка оид процессуал ҳуқуқ нормалари бузилгани суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.***

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 17 августдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи — "А." корхонасининг жавобгар — давлат нотариал идораси нотариусининг ипотека шартномасини расмийлаштиришда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

"А." корхонаси аризасида нотариус томонидан ипотека шартномасини тасдиқлашда:

юридик шахснинг номидан ишончномасиз ҳаракат қилувчи "Б."нинг ваколатларини талаб даражасида текширмаслик;

шартнома тарафи оғир касалликка чалингани натижасида ёзиш ва ҳужжатларни имзолаш имкониятига эга бўлмаганига аҳамият бермаганликда;

корхона мулкининг қийматини арзонлаштиришга қаратилган асоратли битим тузилишининг олдини олмасликда ифодаланган хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топишни сўраган.

Мазкур аризани кўришда судлар томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган қатор ҳолатларга эътибор қаратилмаган.

МСИЮтКнинг 26-моддаси биринчи қисмига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир. Бундан Конституциявий суд, фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

МСИЮтКнинг 27-моддаси 4-бандида суд нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилгани ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорла-

ри, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 6-бандига мувофиқ, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Аризачи томонидан низолашилаётган ҳаракатлар юридик аҳамиятга эга эмас, чунки ушбу ҳаракатлар натижасида шартномалар расмийлаштирилган бўлиб, айнан ушбу шартномалар аризачи учун ҳуқуқий оқибат келтиради.

Нотариуснинг ушбу ҳаракатларига у томонидан расмийлаштирилган шартнома юзасидан низолашилганда ҳуқуқий баҳо бериш лозимлигидан келиб чиқиб, мазкур ариза шартномавий низолар тоифасига киради.

Амалдаги қонунчиликда шартномаларни низолашиш ҳақидаги талаблар фуқаролик ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судларда кўрилиши назарда тутилган.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 24 августдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, ариза бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

# Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори

| № | Ф.И.Ш. | Лавозими | Малака даражаси ва берилган сана |
|---|---|---|---|
| 1 | Эрметова Шоира Ҳасановна | Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг судьяси | 07.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 2 | Каукишев Рашид Муратович | Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьяси | 07.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 3 | Маматов Муҳаммад Зикириллоевич | Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг судьяси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 4 | Тўлқинов Сардорбек Ниғматилла ўғли | Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 5 | Содиқов Шуҳратжон Абдумўминович | Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг раиси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 6 | Ибрагимов Улуғбек Зокиржонович | Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 7 | Акрамов Акмал Акрамович | Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг судьяси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 8 | Қаюмов Дилшод Бахтиёрович | Қарши ҳарбий судининг раиси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 9 | Қўқонбоев Хислатжон Мухторович | Наманган вилояти жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 10 | Муҳамматқулова Шаҳноза Арслановна | Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг судьяси | 20.01.2022 йил 5-малака даражаси |
| 11 | Каримов Жаҳонгир Тўймуротович | Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг судьяси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 12 | Ўралов Алишер Абдукаримович | Бухоро вилояти жиноят ишлари бўйича Ромитан тумани судининг раиси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 13 | Қодирқулов Тўрабек Абдуровубович | Жиззах вилояти маъмурий судининг судьяси | 04.02.2022 йил 2-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 14 | Норқўзиев Анвар Раҳмонбердиевич | Жиззах вилояти Ғаллаорол туманлараро иқтисодий судининг раиси | 04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди |
| 15 | Эргашев Бобуржон Обиджонович | Наманган вилояти жиноят ишлари бўйича Норин тумани судининг раиси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 16 | Жабборов Иброҳим Султонмуратович | Наманган вилояти жиноят ишлари бўйича Чуст тумани судининг раиси | 04.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 17 | Ҳамдамов Улуғбек Собиржонович | Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси | 04.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 18 | Шаропов Зафар Пўлатович | Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг судьяси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 19 | Турсунов Икромжон Абдурашидович | Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бўка тумани судининг раиси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 20 | Жўрабеков Беҳзодбек Жўрабек ўғли | Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг судьяси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 21 | Эсонбоев Баҳром Бахтиёрович | Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг судьяси | 04.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 22 | Ҳамроев Шарофиддин Пўлатжонович | Тошкент вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 23 | Расулов Ойбек Мелисович | Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси | 04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди. |
| 24 | Ҳайдаров Шерзод Шухратович | Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро судининг раиси | 04.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 25 | Ҳомидов Улфат Сайфуллаевич | Тошкент вилояти Зангиота туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди. |
| 26 | Абдураимов Фаррух Сойибжонович | Фарғона вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 04.02.2022 йил 2-малака даражаси |
| 27 | Дўсматова Маҳсуда Мусурмоновна | Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси | 04.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 28 | Пансатов Камолиддин Узоқович | Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Иштихон тумани судининг раиси | 04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди. |
| 29 | Ҳасанов Муроджон Забибуллаевич | Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг раиси | 04.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 30 | Бобожонов Руслан Машарипович | Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг судьяси | 04.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 31 | Саидов Ҳикмат Раматжонович | Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Боғот тумани судининг раиси | 04.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 32 | Болтаев Хушнуд Раҳимович | Хоразм вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 04.02.2022 йил 2-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 33 | Юлдашев Фазлиддин Эшқувватович | Самарқанд вилояти Тайлоқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 04.02.2022 йил 5-малака даражаси |
| 34 | Эргашев Илҳом Қўлдошевич | Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси | 04.02.2022 йил 5-малака даражаси |
| 35 | Расулов Зафаржон Носиржонович | Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Сардоба тумани судининг раиси | 09.02.2022 йил 5-малака даражаси |
| 36 | Фозилов Шоҳрух Муродуллоевич | Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро маъмурий судининг судьяси | 09.02.2022 йил 5-малака даражаси |
| 37 | Раҳимов Сойибжон Абдусамадович | Наманган вилояти Наманган туманлараро маъмурий судининг судьяси | 09.02.2022 йил 5-малака даражаси |
| 38 | Мўминов Нурали Исроилович | Сурхондарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг судьяси | 09.02.2022 йил 5-малака даражаси |
| 39 | Чориев Дилшод Шавкатович | Бухоро вилояти Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 40 | Тожиев Жўрабек Мухторович | Бухоро вилояти жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 41 | Усмонов Зафар Акрамович | Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг раиси | 24.02.2022 йил 4-малака даража-сида қолдирилди. |
| 42 | Тожибоев Эрмамат Эгамбердиевич | Жиззах вилояти фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 43 | Эрназаров Мақсуд Маматқулович | Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Арнасой тумани судининг раиси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 44 | Акрамов Акрам Равшанович | Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 45 | Нишонова Умида Мирзаумаровна | Наманган вилоят маъмурий судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 46 | Исмаилов Шуҳратжан Саидаҳмадович | Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Боёвут тумани судининг раиси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 47 | Хуррамов Ўктам Хуррамович | Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 48 | Миршаев Хуршид Олимович | Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 49 | Йўлдошев Ўткир Ҳусанович | Сирдарё вилояти Боёвут туманлараро иқтисодий судининг раиси | 24.02.2022 йил 4-малака даража-сида қолдирилди. |
| 50 | Иззатов Дилшод Турсунбоевич | Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 24.02.2022 йил 3-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 51 | Камолов Хайруллохон Жўрахон ўғли | Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бекобод тумани судининг раиси | 24.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 52 | Раҳимжонов Раҳмонберди Қамбаридинович | Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 53 | Холжигитов Шерзод Мирзалиевич | Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 54 | Турдибеков Азизбек Турдибекович | Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 55 | Мўминова Феруза Исмоиловна | Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг судьяси | 24.02.2022 йил 4-малака даражаси |
| 56 | Аблаҳатов Баҳром Дўстбекович | Тошкент вилоят маъмурий судининг судьяси | 24.02.2022 йил 3-малака даражаси |
| 57 | Суяров Жасур Мансурович | Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси | 24.02.2022 йил 2-малака даражаси |
| 58 | Собиров Эркинжон Қўчқорбоевич | Андижон вилояти фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг раиси | 10.03.2022 йил 4-малака даражаси |
| 59 | Рустамов Сардорбек Аҳматжонович | Андижон вилояти Андижон туманлараро иқтисодий судининг раиси | 10.03.2022 йил 3-малака даражаси |
| 60 | Тўраев Бекзод Бахшуллаевич | Тошкент вилояти Оҳангарон туманлараро иқтисодий судининг раиси | 10.03.2022 йил 3-малака даражаси |
| 61 | Сейтназаров Адилбек Джолдасович | Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг судьяси | 10.03.2022 йил 5-малака даражаси |
| 62 | Дарвишалиев Ғайратали Уматалиевич | Андижон вилояти фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси | 10.03.2022 йил 5-малака даражаси |
| 63 | Тўраева Насиба Даминовна | Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг судьяси | 10.03.2022 йил 5-малака даражаси |
| 64 | Бойназарова Гулмира Жумамуратовна | Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро маъмурий судининг судьяси | 10.03.2022 йил 5-малака даражаси |
| 65 | Қодиров Ойбек Азамович | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 18.03.2022 йил 2-малака даражаси |
| 66 | Расулов Жаҳонгир Акрамович | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 18.03.2022 йил 2-малака даражаси |
| 67 | Мирзаҳакимов Шерзод Турдалиевич | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 18.03.2022 йил 2-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 68 | Тарихов Камал Максетбаевич | Қорақалпоғистон Республикаси суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси | 18.03.2022 йил 1-малака даражаси |
| 69 | Джумаев Ўткиржон Бўронович | Жиззах вилояти судининг раиси | 18.03.2022 йил 1-малака даражаси |
| 70 | Аллабоев Зафар Зиякулович | Самарқанд вилояти суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси | 18.03.2022 йил 1-малака даражаси |
| 71 | Раҳимов Акмал Ҳошимович | Сирдарё вилояти суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси | 18.03.2022 йил 1-малака даражаси |
| 72 | Ҳомидов Жамшид Шухратиллоевич | Сурхондарё вилояти суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси | 18.03.2022 йил 2-малака даражаси |
| 73 | Маткаримов Атабек Напасович | Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси | 18.03.2022 йил 1-малака даражаси |
| 74 | Нурлипесов Амир Отепович | Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг раиси | 18.03.2022 йил 1-малака даражаси |
| 75 | Файзиев Тоҳир Тўхтаевич | Самарқанд вилояти маъмурий судининг раиси | 18.03.2022 йил 2-малака даражаси |
| 76 | Ғуломов Раҳматулла Пармонқулович | Сурхондарё вилояти маъмурий судининг раиси | 18.03.2022 йил 1-малака даражаси |
| 77 | Умаралиев Сардор Аҳмаджонович | Андижон вилояти Бўстон туманлараро иқтисодий судининг раиси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |
| 78 | Шаҳобутдинов Камолдин Садирдинович | Андижон вилояти жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 79 | Ҳафизов Жаҳонгир Исманалиевич | Андижон вилояти Андижон туманлараро маъмурий судининг судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 80 | Байбеков Аъзам Абдурашитович | Жиззах вилояти фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг судьяси | 08.04.2022 йил 5-малака даража-сида қолдирилди. |
| 81 | Усанов Ғайрат Норқўзиевич | Жиззах вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол туманлараро судининг раиси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 82 | Умматова Мавлудахон Қодировна | Фарғона вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 83 | Исмоилов Элёржон Анорбоевич | Фарғона вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг раиси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |
| 84 | Розиқов Акмал Зухриддинович | Фарғона вилояти фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг раиси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 85 | Яҳёхўжаев Раҳмонхон Ғозиевич | Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлараро судининг судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 86 | Маннатов Одил Фарҳодович | Сирдарё вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 08.04.2022 йил 2-малака даражаси |
| 87 | Джамолов Шерзод Шукриллоевич | Хоразм вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |
| 88 | Қудратов Аброр Ҳамидуллаевич | Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро маъмурий судининг судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 89 | Отегенова Луиза Жолдасбаевна | Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 08.04.2022 йил 2-малака даражаси |
| 90 | Абибуллаев Елубай Онгарбаевич | Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича Қонликўл туман судининг раиси | 08.04.2022 йил 5-малака даража-сида қолдирилди. |
| 91 | Дошмуратов Полат Махамаддинович | Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьяси | 08.04.2022 йил 2-малака даражаси |
| 92 | Имомов Бобур Тойирович | Навоий вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |
| 93 | Кенжаева Нигора Эсонбоевна | Навоий вилояти Навоий туманлараро маъмурий судининг судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 94 | Қаҳҳоров Турғунбой Суннатович | Навоий вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |
| 95 | Джумаев Бекзод Абдувоҳидович | Навоий вилояти Карамана туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 96 | Ҳамроев Акрам Абдурашидович | Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг раиси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |
| 97 | Баҳронов Азизжон Файзуллоевич | Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг судьяси | 08.04.2022 йил 5-малака даража-сида қолдирилди. |
| 98 | Турсунов Хуршид Фарҳодович | Навоий вилояти Учқудуқ тумани иқтисодий судининг раиси | 08.04.2022 йил 3-малака даражаси |
| 99 | Шерматов Беҳзод Қурбонбоевич | Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ тумани судининг раиси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 100 | Эргашева Дилобар Аҳроровна | Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича Томди тумани судининг раиси | 08.04.2022 йил 4-малака даражаси |
| 101 | Кошанов Арман Бахитбаевич | Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Тахиатош тумани судининг раиси | 19.05.2022 йил 3-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 102 | Хожанов Акжолбек Куандыкович | Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Чимбой туман судининг раиси | 08.04.2022 йил 5-малака даража-сида қолдирилди. |
| 103 | Бекмуратов Байрамбек Тенгелбаевич | Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 08.04.2022 йил 4-малака даража-сида қолдирилди. |
| 104 | Қурбонбоев Рустам Қурбонбоевич | Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро иқтисодий судининг раиси | 19.05.2022 йил 4-малака даражаси |
| 105 | Мирзажонов Нодирбек Рустамович | Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 19.05.2022 йил 4-малака даражаси |
| 106 | Соатов Дилшод Туйчиевич | Жиззах вилояти Фориш тумани иқтисодий судининг раиси | 08.04.2022 йил 4-малака даража-сида қолдирилди. |
| 107 | Саидмуратов Баҳодир Бахтиёрович | Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 19.05.2022 йил 3-малака даражаси |
| 108 | Эргашева Ҳилола Риҳсибоевна | Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг судьяси | 19.05.2022 йил 4-малака даражаси |
| 109 | Ражабов Абдуқодир Амонович | Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг судьяси | 19.05.2022 йил 4-малака даражаси |
| 110 | Ли Виталий Валентинович | Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси | 19.05.2022 йил 3-малака даражаси |
| 111 | Абдураҳмонова Насиба Мадиёровна | Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 19.05.2022 йил 3-малака даражаси |
| 112 | Бойзақова Назокат Тилововна | Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 19.05.2022 йил 3-малака даражаси |
| 113 | Раҳмудинов Сардор Жўраевич | Тошкент шаҳар маъмурий судининг судьяси | 19.05.2022 йил 3-малака даражаси |
| 114 | Бобоев Жонибек Рўзиевич | Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро маъмурий судининг судьяси | 19.05.2022 йил 3-малака даражаси |
| 115 | Фозилова Юлдуз Олимовна | Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 19.05.2022 йил 5-малака даражаси |
| 116 | Мансуров Муҳиддин Меҳриддинович | Бухоро вилояти Бухоро туманлараро маъмурий судининг судьяси | 19.05.2022 йил 5-малака даражаси |
| 117 | Камолов Меҳриддин Ҳомидович | Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг судьяси | 19.05.2022 йил 5-малака даражаси |
| 118 | Шамсиддинов Нурилло Насирдин ўғли | Андижон вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 07.07.2022 йил 3-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 119 | Кодирова Меҳринисо Қобиловна | Бухоро вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси | 07.07.2022 йил 2-малака даражаси |
| 120 | Шарипов Азизжон Собирович | Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг судьяси | 07.07.2022 йил 4-малака даражаси |
| 121 | Сатторова Гулсара Рустамовна | Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг судьяси | 07.07.2022 йил 4-малака даражаси |
| 122 | Ортиқова Дилфуза Юсуфжоновна | Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси | 07.07.2022 йил 5-малака даража-сида қолдирилди. |
| 123 | Сапаров Рамиз Нурмуҳаммадиевич | Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро судининг раиси | 07.07.2022 йил 3-малака даражаси |
| 124 | Абдубаннобов Маҳкамжон Муродилович | Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси | 07.07.2022 йил 4-малака даражаси |
| 125 | Раҳимов Авазбек Қобилжонович | Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Тошлоқ тумани судининг раиси | 07.07.2022 йил 4-малака даражаси |
| 126 | Эшмуродов Нодирбек Нарзуллаевич | Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг судьяси | 07.07.2022 йил 4-малака даражаси |
| 127 | Ҳамроев Наврўз Эргашевич | Қашқадарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг судьяси | 07.07.2022 йил 3-малака даражаси |
| 128 | Қурбонов Нурали Баҳодирович | Тошкент вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 07.07.2022 йил 2-малака даражаси |
| 129 | Жумаев Отабек Отақулович | Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси | 07.07.2022 йил 2-малака даражаси |
| 130 | Шокиров Умиджон Шарифжонович | Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси | 07.07.2022 йил 2-малака даражаси |
| 131 | Сатторов Алишер Ярашевич | Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси | 07.07.2022 йил 3-малака даражаси |
| 132 | Мамадиев Сарвар Носиржонович | Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг судьяси | 05.08.2022 йил 5-малака даражаси |
| 133 | Қаҳҳоров Ўктам Эгамбердиевич | Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг судьяси | 05.08.2022 йил 5-малака даражаси |
| 134 | Бобохонова Нодира Алохоновна | Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 135 | Каландарова Маликахон Пирназаровна | Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 136 | Каримов Сарвар Ҳасанович | Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 137 | Сабиров Баҳром Низаматдинович | Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 138 | Ҳакимов Ихтиёр Абдусатторович | Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 139 | Тангабаев Баҳром Абдувалиевич | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 140 | Арабов Омонжон Жўммаевич | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 141 | Исломов Бобур Норбобоевич | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 25.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 142 | Чориев Джамол Жаҳонович | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 25.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 143 | Мирзаев Турғунали Турсунович | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 25.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 144 | Таджибаев Дилшод Султанмуратович | Тошкент вилояти судининг раиси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 145 | Олимова Гавҳар Дўсбековна | Сирдарё вилояти суди раисининг ўринбосари | 25.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 146 | Джумаев Баҳодир Итолмасович | Сурхондарё вилояти суди раисининг ўринбосари | 25.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 147 | Мамадалиев Ўткир Абдуғаффарович | Қашқадарё вилояти суди раисининг ўринбосари | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 148 | Элмурадов Анвар Нормуратович | Қашқадарё вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 149 | Ғоппоров Аҳрор Олтинович | Қашқадарё вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 25.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 150 | Расулова Лазиза Жабборовна | Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани судининг раиси | 25.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 151 | Бердиев Алишер Жовлиевич | Қашқадарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг судьяси | 25.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 152 | Мирзаалимова Гулнора Мухторовна | Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 153 | Шамшиев Ҳамиджон Қаландарович | Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 25.08.2022 йил 1-малака даражаси |
| 154 | Икромов Анвар Ашурович | Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани судининг судьяси | 25.08.2022 йил 4-малака даражаси |
| 155 | Тўрақулов Тўлқин Байтураевич | Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг судьяси | 25.08.2022 йил 4-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 156 | Каримов Бобомурод Пўлатбоевич | Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг судьяси | 25.08.2022 йил 4-малака даражаси |
| 157 | Қаюмов Баҳодир Эркинжонович | Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг судьяси | 25.08.2022 йил 4-малака даражаси |
| 158 | Алланиязов Женгис Мамбетбаевич | Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Қораўзак тумани судининг раиси | 26.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 159 | Хўжамбердиев Жамшид Абдуҳамидович | Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси | 26.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 160 | Рўзиматов Маҳмуд Мамуржонович | Андижон вилояти жиноят ишлари бўйича Бўстон туман судининг раиси | 26.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 161 | Жўрабоев Сардор Тахирович | Андижон вилояти фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси | 26.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 162 | Солиева Умидахон Ҳамидовна | Наманган вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 26.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 163 | Жўмабоев Бекзод Абдуваҳидович | Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раисининг ўринбосари | 26.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 164 | Сайфитдинов Аъзам Нормаҳматович | Жиззах вилояти маъмурий судининг судьяси | 26.08.2022 йил 2-малака даражаси |
| 165 | Жўраев Муҳаммади Муҳитдинович | Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Мирзачўл тумани судининг раиси | 26.08.2022 йил 3-малака даражаси |
| 166 | Холбоев Қобилжон Қўзиевич | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Халқ қабулхоналари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш шўъбаси бош инспектори | 29.09.2022 йил 1-малака даражаси |
| 167 | Болтахўжаева Ирода Абдукаримовна | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | 29.09.2022 йил 1-малака даражаси |
| 168 | Остонов Ғайбулла Хайруллаевич | Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича Косон тумани судининг судьяси | 30.09.2022 йил 5-малака даража-сида қолдирилди |
| 169 | Қамбарова Файёза Шарафовна | Қашқадарё вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даражаси |
| 170 | Мустафоев Отабек Владимирович | Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича Қамаши тумани судининг раиси | 30.09.2022 йил 4-малака даража-сида қолдирилди |
| 171 | Ибодуллаев Анвар Абдужабборович | Қашқадарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 2-малака даражаси |
| 172 | Абраев Ҳасан Чориевич | Қашқадарё вилояти Касби туманлараро иқтисодий судининг судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даражаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 173 | Уралов Бекзод Маджитович | Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро маъмурий судининг судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даражаси |
| 174 | Ярашов Ҳамза Искандарович | Самарқанд вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даража-сида қолдирилди |
| 175 | Акрамов Азиз Асламович | Самарқанд вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 2-малака даражаси |
| 176 | Раҳмонова Назира Жабборовна | Самарқанд вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даражаси |
| 177 | Хўжақулов Нурбек Кабулжанович | Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судининг судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даража-сида қолдирилди |
| 178 | Муҳаммадиева Юлдуз Низомитдиновна | Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судининг судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даражаси |
| 179 | Жумабоев Лутфулла Толлибоевич | Самарқанд вилояти Самарқанд туманлараро маъмурий судининг судьяси | 30.09.2022 йил 3-малака даражаси |
| 180 | Ибрагимов Бегзод Ибрагимович | Самарқанд вилояти Самарқанд туманлараро маъмурий судининг судьяси | 30.09.2022 йил 4-малака даражаси |
| 181 | Нарзуллаев Акбар Абдуллаевич | Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 1-малака даражаси |
| 182 | Шамсутдинова Анжелика Алексеевна | Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 2-малака даража-сида қолдирилди |
| 183 | Тургунова Муҳтарама Маҳамадалиевна | Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 2-малака даражаси |
| 184 | Қасимова Наргиза Абдураҳимовна | Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 2-малака даражаси |
| 185 | Валиев Дилмурод Убайдуллаевич | Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси | 30.09.2022 йил 2-малака даражаси |
| 186 | Ибадов Санжар Диярбекович | Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг судьяси | 30.09.2022 йил 4-малака даража-сида қолдирилди |
| 187 | Кариев Алимджан Давранджанович | Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг судьяси | 30.09.2022 йил 4-малака даражаси |
| 188 | Муродов Нуриддин Намозович | Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси | 30.09.2022 йил 4-малака даражаси |